

ЕТТИ КУН



Муҳаммад АМИН сурати

Маслаҳат

ҲАЛИ ҲАМ КЕЧ ЭМАС

Ерга қор тушди. Лекин экин экмочки бўлганлар учун ҳали кеч эмас. Шу кунларда уруғ сепилса, экинлар баҳорги ҳосилдан 10-15 кун илгари етилади.

Ерга уруғ сепишдан олдин жўяк олиниб, 4 см. чуқурликда қавланади.

Об-ҳавонинг иссиқлик даражаси 2-3 даражага тушиб қолганда ерга уруғ сепиш керак. (Кузги совуқнинг эрта-лаб ва кечки пайтга тенг келиши). Чунки ундан юқорироқ иссиқлик даражасида уруғ сепилса, уруғдан илдишчалар чиқиб, совуқ тушиши натижа-сида нобуд бўлади. Қишки сабзавотлардан сабзи, қанд лавлаги, редиска, кўкатлар, пиёз уруғларини экинганга мумкин.

Сабзавот ёки гул уруғи ерга ташлангач, устидан чиринди аралашган тупроқ (ўғит) сеписиз. Экин уруғи қанча майда бўлса, шунча юпқа, аксинча қанча йирик бўлса, шунча қалин ўғит тортилади.

Ғаллаорол туманидаги Ғаллаорол хўжалигидаги оилаларнинг фаровонлиги ошмоқда. Қизиқ, шу замонда-я! Ҳа, бу йил хўжалик 9,5 миллион сўм даромад қилди, ахир! Шубҳасизки, энди яхши яшаш учун қўлайликлар янада ошади. Кунга 800—900 дона нон ёпилаётган новвойхонанинг ишга тушгани, хизмати фикримизга далил. Ун кўпдир, дерсиз. Тегирмон кўп бўлгандан кейин ун кўп бўлади-да. Гап ундамас, бугдойда. Бугдойи кўпдир! Топдингиз, бугдойи кўп! Зеро, «қорни тўқининг қайғуси йўқ». Эгни ҳам яқинда бут бўлади. Хўжаликнинг 8 фарзанди атлас ва бошқа газламалар тўқишни йўлга қўйиш учун Марғилонда таҳсил оляпти. Кўпидан — режа кўп. Йўқдан — ҳаммасини тезроқ қилишга вақт йўқ. Хўжалик 1929 йил ташкил топган. Ленин, гап ёшда эмас, бошда экан. Яъни, ўтган йил хўжаликка Қувондиқ Бердиев (хўжалик тарихида 1-ўзбек директори) бош бўлди-ю ишлар (аҳвол) ўнганди. Бош бўла билишда ҳам, ишнинг кўзини билишда ҳам гап кўп. «Бошнинг меҳнатнашлигига гап йўқ. Йўқдан бор қилади. Суҳбатимиз ҳам ана шу «йўқдан бор бўлди».

— Қувондиқ ака, сизни ишлагани ишлаган, машинани чарчатади, деб таърифлашди. Ховлингизни боғу чаманга айлан-тириб олибсиз. Гулларини ўзи парвариш қилади, тонг ва шомда (ишдан қайтгач) чопонини барини қайириб, мол-ҳолигаям ўзи қарайди, дейишди. Узр-ку, нима фарзандингиз йўқми? Қолаверса, мол-ҳол, томорқа даромадсиз ҳам маошингиз рўзгорингизга етар?

— Нега энди фарзандим йўқ бўлар-кан?! Худога шукр, тўрт ўғил, беш қизим бор. Қизларим — Ръёно, Маҳбуба, Саодат, Гулнозалар турли олийгоҳларни тугатиб, турмуш қуриб кетишган. Бола-

лик-чақалик. Бахтиёрим — Тошкентда (олийгоҳда), Дилмурод, Дилшод, Шахноза мактабда ўқишяпти. Кенжам — Шерзод боғчада. Боққа, томорқа, мол-ҳолга ўғилларим билан баббаравар қараймиз. Ҳа, эрта деб, кеч деб, уйқудан кечиб бўлса-да, мен ҳам вақт топаман. Гулларга асосан, уй бекаси (хотиним) Несбалихон қарайдилар. Мен ҳам қарашаман, албатта. Шукрки, болаларим меҳнатсевар бўлиб ўсишди. Қизларим қидириб (меҳмонга) ё Бахтиёрим гоҳи-да ўқишдан келиб қолса ҳам, дарҳол

Рўзгорингизга барака

ҚУЛДАЙ ИШЛА, БЕКДАЙ ЯША!

у-буга қарашинга уринишади. Маош ети-ша масаласига келса, ойига 370 сўм, мукофот билан 500 сўм атрофида оляя-ман. Табиийки, бу бугун рўзгорга етмай-ди. Ҳали айтдим — Бахтиёр ўқишда. Бу ёқда одамдай яшаш, турли орзу-ҳавас дегандай. Кўнгилни қолдириб кўтари-лаётган нарх-навони айтмай. Шундай пайтлар, энди, ука, яшириб нима қилдим, томорқа даромади ва мол-ҳол жонга ора қияпти. Қишлоқда яшаб, сут, ёғ, гўштга ёлчмаслик айб, ўзини билганга. Қолаверса, катта ишлаб, катта тишлаганга нима етсин! Айтшади-ку: қулдай ишла, бекдай яша! Фарзандлар қулоғига ҳам

«ҲАФИЗУЛЛО ҲАМИДИЙ» ДУКОНИ

Самарқанд шаҳридаги марказий универмагга ана шундай дўкон очилди. Афғонистондаги «Ҳафизулло Ҳамидий» ширкатига қарашли бу савдо шаҳобчаси-даги моллар бизнинг тижорат дўконларимиздагидан бир мунча арзон сотилмоқда.

200 МИНГ

Тўрақўрғон туманидаги «Ширилик» комбинати оталиғидаги боғчага ҳар йили 200 минг сўм пул миқ-дорида маблағ ўтказмоқчи. Боғча болалари «Шири-лик»нинг шириликлари билан ҳам сўйланади.

«ЭРК»

Яқиндагина рўйхатга олинган «Эрк» демократик партиясининг «Эрк» рўзномасининг иккинчи сони сотувга чиқди. Шу кунгача бу рўзноманинг 49 сони норасмий равишда босилиб турган эди. Унинг бир йиллик обунга баҳоси 14 сўм 40 тийин.

ПУЛЕМЁТЛАР ТОПИЛДИ

Термиз шаҳридаги ҳарбий-ўқув бўлинимасининг қурол аслаҳа омборидан 34 та йирик калибрли пуле-мёт ўғирланган эди. Яшириб қўйилган қуролларнинг ҳаммаси 36 соатдан сўнг топилди. Хайрият!

«ИККИЛАНИБ ТУРАР ОЙНИНГ ЎН БЕШИ»

Худди шу сарлавҳа остида Ўзбекистон халқ ноиб Ш. Рўзимуродовнинг оиласидан репортаж берган эдик. Ўзбекистон Олий Кенгашининг ўтган сессия-сида у ноибликдан қақчириб олинди. Ш. Рўзимуродов тўрт йиллик қамоқ жазосини ўташга кетди.

шу гапни қуйганим қуйган.

— Фарзандларингиз қизиқиши ҳақида нима дея olasiz?

— Нимаям дердим, ўнта бўлса ўрни ҳам, қизиқиши ҳам бошқа-бошқа бўлар-кан. Айниқса, менга, Дилмурод ўғли-нинг қушларга, (хусусан, каптарга), то-вуқларга, гулларга, умуман, табиатга қизиқиши кучлилиги, айниқса, «эскича»-га иштиёқи баландлиги жуда хуш ёқади. Насиб бўлса, шу ўғлимни Самарқандда арабчага ўқитмоқчиман. Дилмурод — техникага, Шахноза қизим — адабиёт, санъатга кўпроқ қизиқади, аълочи. Кела-жаги эур, дейишмоқда муаллимлари.

— Кечирасиз, келажакнинг ўзи ҳақида нима дея olasiz?

— Шубҳаланманг, ука, келажакимиз порлоқ. Ҳамма ишнинг кўзини билиб ишласа, (ҳозир ҳамма ишламаяпти-да, ахир!) топганини тежаб-тергаб бировга бермай (бировга олдирмай) сарфласа, олам гулистон — келажак гўзал! Нока-тарлик бўлса ҳам айтай, биз шундай қилдик эур, дейишмоқда. Тушунман — бунинг учун мустақиллик зарур. Муста-қил бўлишимизга эса сира шубҳам йўқ! Оилаларимиз фаровонлашиб, қу-лайликларимиз ҳам ошмоқда. Ога-ини-дай, бир оиланинг фарзандларидай меҳ-нат қилиб эришяпмиз барисига.

— Дароқе, ота-онангиз, шунингдек, туғишганларингиз ҳақида сўрабамиз...

— Раҳматли отам 1943 йил қирчин-дан қийинганини, биз икки ўғил бир қизни авайлаб-асраб ўстирган онам раҳматли-нинг 1983 йил қазо қилганини айтишим мумкин. Туғишганларим... Уқам Гул-бой — тракторчи — 11 фарзанднинг отаси синглим Гулстони ҳам 11 фарзандли. Уйлари — нақ бозор. Омон бўлишсин, ишқилиб. Фаровон яшашади. Айтдим-ку, қулдай ишлаб, бекдай яшаш керак, деб.

ЛИБОСГА ҲАМ БОҒЛИҚ

Йўлдош ота Охунбоев доимо тўн, дўппи, ятак, этик кийиб юрар эканлар. Белида белбоги ҳам бўлган, албатта.

Ҳозир миллийлик бўлсин, деб бонг ураймиз. Раҳбарларга қаранг, ҳаммаси бир хил — костюм-шим, оқ кўйлак, бўйинбоғ. Аёлларда ҳам овурача кийим. Гўё бу қонунга айланган-у, уни бузиш мумкин эмас. Яна шлаларини айтмайсизми, нима, уларга дўппи кийиш таъқиқланганими?

Ҳиндистон ёки Араб давлатлари бошлиқларининг кийими оддий фуқароларникидан ҳеч қандай фарқ қилмайди. Улар олиёбора даражадаги учрашувларда ҳам ўзларининг миллий либосларида қатнашади-ку. Бунинг учун уларни қувиб чиқаришбди деб эшитганим йўқ.

Бизникилар эса ухлаганда ҳам бўйинбоғ тақиб ётса керак, деб ўйлайсан, киши. Олпоқ кўйлак, дўппи ва тўн кийишининг нимаси айб.

Ойнаи жаҳон орқали халқни «тарбиялаётган» суҳандонларни қаранг. «Қадриятларимизни тиклайлик» деб бонг уришдан аввал, ўзингиз намуна кўрсатинг, ҳурматли

зиёлилар. Гап либосда эмас, деб ўзингизни овутоманг. Либосга ҳам боғлиқ.

Ойшабону БОҚИЖОН қизи Фаргона шахри

ОТАСИНИ УРАЁТГАН ҚИЗ

Дугонам билан чақчақлашиб ўтирган эдик. Қўшни хонадан кимнингдир йиги аралаш овози эшитилди. «Қўй, Саодат, сен бу бақирришга эътибор берма», деди дугонам. Кейин билсам, ба-

қираётган киши уни, рон отаси экан. Даъфа юрагим сесканиб кетди. Дугонам бир зумда хонадан чиқиб, ҳадеганда қайтиб келавермади. Мен уни кутиб зериқдим. Сегин қўшни хонага йўл олдим.

Бориб қарасам... Ишонинг азизлар, дугонам ўз отасини урар ва ҳақоратлар эди!.. Бўзимга бир нарса тиқилгандек бўлди. Мен бирор хулоса чиқармоқчи эмасман. Фақат хайронман. Билолмадим: худо кимни урган отаними ёки фарзандни?!

Саодат ҒОЙИПОВА
Янгийўл тумани

ОМОН БЕҒАНЧИЕВ,
Тўйчи ТОШМУҲАМ
номидаги Қарши т
тери, Ўзбекистон
Тиста.



ОЛДИНГДАН ОҚҚАН СУВНИНГ ҚАДРИ ЙУҚ...

— Омон ака, оилангиз ҳақида гапириб берсангиз...

— Бир қиз, икки ўғлим бор. Қиз турмушга чиққан, неварамиз бор. Турмуш ўртоғим Туркманистон жумҳуриятининг Чоршанги ноҳиясидан.

— фарзандларингизни ҳам санъаткор бўлишини хоҳлармидингиз?

— Илгари ҳеч иккиланмасдан рози бўлардим. Театр жамоасини гастролда, кўчада қолиб, супурилмаган, қарасиз биноларда томоша кўрсатиб, хўрланётганликларини ўз бошимдан ўтказётган бир пайтда фарзандларимнинг санъаткор бўлишига қаршиман.

— Яқинда Амир Темур ролни ижро этдингиз. Эшитишимга қараганда, «Ўзбекфильм» суратга олаётган Амир Темур ҳақидаги фильмда жаҳонгир ролни ўйнаш учун ўзбек актёри топилмагандек, чет элдан артистлар тақлиф этилаётганмиш. Сиз шу ролни ижро эта олармидингиз?

— Бу охириги йилларда «Ўзбекфильм» киностудиясига теккан касаллик. У худди еттинчи фалакни орзу қилгандек, ўзига марказдан, Европадан суянчиқлар қидиришади.

Улуғ бобоколониимиз, Турон замин муулмонларини бирлаштирган жаҳонгир Темур образини яратиш ҳар бир ўзбек актёри учун улуғ бир орзу, чинакам бахтдир, аммо халқимиз айтганид олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ.

— Оила бахти сизнингча нима!

— Оила. Бу биргаликда мазмунли ҳаёт кечириш, фарзандингни бир бор эркалашдир. Қадимда муҳр босилган ҳужжатлар беришмаган, гувоҳлар олида ўқилган никоҳ муқаддас ҳисобланган. Оила қураётган ёшларга тилагим — ёмон кун келганда яхши кунлар келишини унутмасинлар, имон-эътиқодли-ю, сабр-тоқатли бўлсинлар...

— Моддий ҳаётингиз ҳақида ҳам...

— Тургунлик йиллари деймиз, ўша даврдаги раҳбарларининг кўпчилиги ижодкорларга эътибор лироқ эдилар. Бунинг бир мисоли, раҳматли Рўзимат Ғойибов ҳар бир спектаклга бутун бир бюро аъзолари билан қатнашиб, санъаткорлар аҳволидан доимо хабардор бўлар эди. Ўзингиз гувоҳсиз кун-кеча топширилган «Амир Темур» асаридан сўнг мен сўзга чиқиб, ниҳоятда бахтсиз бўлиб қолганимизни изҳор этдим. Ҳеч бўлмаса, бобомиз Темур ҳурмати учун шундай асарни қабул қилишда на маданият вазирлигидан, на театр арбоблари уюшмасидан, на марказ олимларидан, на вилоят раҳбарларидан бирор зот қатнашмади. Мана сизга санъатга бўлган муҳаббат, мана сизга иттифоқда илк бор яратилган бутун жаҳонга қадри Амир Темур ҳақидаги спектаклга бўлган эътибор!

Уч юз етмиш сўм ойлик оламан. Турмуш ўртоғим икки юз йигирма сўм маош олади. Оиламиз билан уч хонали уйда яшаймиш. 1984 йилдан буён юрак хасталиги билан қийналиб келаман. Биз санъаткорларга қилинаётган муомала бу хасталикни кучайтиришга сидқидилдан кўмаклашди, холос. Хурсанд бўлган томоним шукки, вилоятнинг қайси бурчагига бормайин, одамлар «Ана, Омон ака келдилар», — деб кутиб олишади.

Ботир ЭРНАЗАР сўхбатлашди

ҚИЁМАТГА ЭЛТУВЧИ ЙЎЛ

Арақхўрлик исломда энг оғир гуноҳ ҳисобланган. Аммо биз муулмонлар ундан ҳазар қилмай кўйдик. Бу иллат тобора қон-қонимизга сингиб бормоқда. Билмадик, келажакда биздан қандай насл қолади. Биз четдан жуда кўп зарарли иллатларни ўзлаштирдик. Буни ошқора айтиш ва тан олиш керак. Ароқхўрликни ҳам «мехом»лардан ўргандик.

Тўй кечаси отиб олган акаларимиз, ширақайф йигитлар бачкана қилиқлар билан энсангизни қотиради. Даврадаги «раққоса» жувон ҳам ўша кеча бутун «санъат»ни намойиш қилади.

Бунинг ҳаммаси қижувонлар, хотин-қизлар кўз ўнгига содир бўлади. Зеро мастлик — пастлик деб бежиз айтишмаган.

Негадир кейинги пайтда тўйларга юрвчи «раққоса» жувонлар ёмгирдан кейинги қўзиқориндек кўпайиб кетди. На уй жойининг, на насл-насабининг тайини бўлмаган бу «раққоса»ларнинг аксарияти ўн етти, ўн саккиз яшар қизалоқлар эканлиги кишини ажаблантиради. Хўш, улар қаердан пайдо бўляпти? Ҳашаматли тўй-томошаларимиз улар учун мактаб ва-зифасини ўтапти. Ўзбек йигити ғурусизликда қай даражада тубанлашётган бўлса, аёли беҳаёликда шу даражада юксакликка кўтарилоқда. Бу кетишда ғарбни ҳам қувиб ўтишимиз мумкин.

Авалгидек ўйинчига пул қистириш одатдан қолган, ҳозир дасталаб боши-

дан сочишади. Шу ерда табиий бир савол туғилади: хўш, тўйнинг эгаси ким ўзи? Неча йиллардан бери мисқоллаб, ёмай-киймай ўғил ўйлантираётган ота-онами ёки бир гуруҳ отарчиларми? Ахир дастурхон, нозу-неъматлар, ароқ-винолар кимнинг пулига келди? Янги оила қураётган икки ёшнинг пулига эмасми?! Мантиқсизликни қаранг. Биз пулни отарчиларга эмас, ўзини тиклаб олишлари учун янги рўзгор, янги оила соҳиблари бўлмиш келин-кўвёларга беришимиз керак-ку! Буни англаш учун унчалик ақлли бўлиш ҳам шарт эмас. Мана кўрдингизми, раққосаю отарчилар нега кўпайиб кетаётганини.

Азиз ватандошлар! Ўзлимизни йўқотмайлик. Бемаъни, зарарли одатлардан воз кечайлик. Акс ҳолда йўл фақат қиёматга элтиши мумкин.

Дилмурод АБДУМУРОД ўғли.

Маслаҳат

Бронхиал астма (кўсов) хасталигига дори-дармон ниҳоятда зарур, лекин уларни дори-хоналардан топиш қийин. Балки бу қасалликни дори-сиз даволаш усуллари бордир!

КУКСОВНИНГ ДАВОСИ

Бор. Ерқалампир илди-зидан 150 грамм ва икки дона лимон оласиз. Ил-дизни совуқ сувда ювиб, гўшт майдалагичдан ўтказасиз. Қиймага лимон шарбати қўшилади. Аралаштиригач совуқхонага солиб қўясиз. Даволанишни бошлашингиз мумкин. Катталар эрталабки но-нушта олди-дан бир чой қошиқ, болалар (фақат беш ёшдан бошлаб!) — ярим қошиқ миқдорда истеъмол қилишади. На-фини учинчи-тўртинчи ку-ни биласиз, истеъмол қи-лишни то соғайиб кетгун-ча давом эттирасиз. Бу маҳсулотлардан аллер-гияси тошадиган бемор-ларга мазкур усул тўғри келмайди.



БУГУНГИ БОЛАЛИК.

ТАСОДИФМИ Е ОМАД!

● Стерлитамаклик Ю. Кол-довко исмли киши балиқ овига бир ўзи бормаидиган бўлди. Бундан бир йил му-қаддам «Сода» бирлашмаси-нинг монтери бўлган бу одам тўғрисида «Стерлитамакский рабочий» рўзномаси мақола бериб, унинг Урол дарёсидан 69,7 килограмм балиқ ту-ганини маълум қилганди. Буни қарангки, бу йил яна унга омад кулиб боқди. Ҳамкасблари унинг бу галги

ўлжасини дарёдан зўрға суд-раб чиқишди. Балиқнинг оғирлиги 74,3 килограмм, узунлиги эса 2 метру 34 сан-тиметр эди.

ЭЛЕКТРОН «ҚАРОҚЧИ»

● Бир гуруҳ япон сайёҳ-лари Португалиянинг Порту шаҳридаги ҳайвонот боғига томошага келишганди. Ос-монда тўсатдан пайдо бўлган тумшуги узун қўш ҳаммани хайратга солди. Уни Марка-зий ва Жанубий Амриқода яшайдиган тукан ёки тако

қуши бўлса керак, деб ўйла-шди. Лекин унинг хатти-ҳара-катлари, айниқса, ўтлаб юр-ган эчкиларга чанг солиши кузатувчиларни таажжублан-тирди. Бундан ташвишга туш-ганлар уни отиб тушириш лозимлигини айтдишди.

Вазият кескинлашганини кўрган япон сайёҳларидан бири қўлидаги қора қутичани ҳаракатлантирган эди, қўш ерга қўнди. Маълум бўлиши ча, «қароқчи» қўш япон элек-трон фирмаси томонидан ясалган экан. Швед «Экс-пресс» газети шу тўғрида хабар берган.

Ажаб дунё

ТАМАДДИ

● Бу воқеа Олмаота шаҳ-рида рўй берди. Ичиб олиб милиция қўлига тушган Ол-маота илмий-текшириш ил-моҳининг ходими «Пакет» фильми қаҳрамони каби йўл тутди. Хўшёрхонага олиб келавётганларида гувоҳно-маси ва пулларини чайнаб ютиб юборди. Аҳволи оғир-тош бошлагач, унга тиббий ёрдам кўрсатишга мажбур бўлишди, деб ёзади «Азия-пресс».



У дўмбирасини авайлаб қўлига олди, авайлаб қулоқларини бура-ди ва авайлаб чертиб кўрди.

Залда ғала-говур бошланди. Кимдир: «Даврани совутиб қўяди-ку бу бахши йигит!» деди энсаси қотиб. Унинг ёнидаги йигит ҳам бақчириб қолди: «Ким таклиф этди бахшини!! Пишириб қўйбдимми!!»

Бир онахон уларни ҳайҳайлаган бўлди: «Бироз сабр қилсаларингчи, айланайлар, бунинг ҳам бир ҳўнари борки келибди. Эшитайлик-чи!»

Юсуф жангу жадалда ўлим билан юзма-юз бўлган, ёш бўлса-да, ҳаётнинг аччиқ-чўчўгини тотиб кўрган, бошиқ, ўзини тута билладиган йигит. Бундайлар ҳўда-беҳўдага, бўлар-бўлмас ишга ўзларини уришавермайди. Саҳнага

ўзига ишониб чиққанди. Ана шу ишонч билан кўй бошланди. Юракнинг туб-тубига етadиган хазин нола, ёниб турган оловга сув селгандек, бирпасда шовқин-сурон алангасини пасайтирди. Гўё дўмбира эмас, аламзада юрак, пажмурда қалб «эшилиб, тўлгониб» нола қилди. Беҳисоб кўзлар қирғоқларида олатасир замон инжиқликларидан эзилган юракларнинг шуълалари кўриқди.

Гўрўгли ҳасратларини тўкиб солганда, зал қалқиди. «Бу зўр йигит экан-ку!» дейишди ҳатто.

Кишиларнинг рўҳини кўтара билиш санъаткордан катта маҳорат талаб этади. Юсуф ҳам бунинг яхши тўшўнади. Ҳазил-мўтойиба термаларини айтганда, беихтиёр қарсақ бўлиб кетди.

Уша кўни унинг залдан чиқиши қўйин кечди. «Алломиш», «Гўрўгли» дostonларидан қайта-қайта парчалар айтиб беришини сўрашди.

Шу чиқишдан сўнра бир йигитнинг айтган гаплари сира эсидан чиқмайди. «Бахшиларнинг кимлигини энди тўшўндим, — деданга ўша йигит унинг елкасига қўқиб. — Ҳўдо сенга овоз, истеъдод берган экан, омадингни берсин, ўка».

Унинг кўнгли кўтарилди. Одамларни хўрсанд этсанг,

қиларди. Пахта мавсуми бошланди дегўнча етти ёшдан етмиш ёшгача — ҳеч кимга тинчлик йўқ эди. Уларнинг чўлга, пахта теримига олиб чиқишди. Емгирли, қорли кўнларнинг кечкўруни жўда зерикарли ўтади. Чарчаган, толиққан ёшлар ўйин-кўлгини жон-жон деб соғинишган эди. Уқитувчиси Юсуфга: «Яхшигина овозинг бор экан, бу кеч бир базм қилайлик, қўшиқ айтасан», деди. У иккиланди. Тенгдошлари масҳара қилишмасмикин! Йўқ масҳара қилишма-

Тoшкент Давлат дорилфу-нунни маданият саройида ўтган «Истиқбол—91» кўриктанловида бахшилар орасида 1-ўринни олиши унинг учун яна бир туртки бўлди, орзулари йўлида унга қанот бахш этди.

У билан сўхбатлаша туриб, кўнглида маънос бир армони борлигини илғадим.

— Шўрчўда Ҳасан Ҳайдаров деган бува бор, — деди у. — Зўр дўмбира ясади. Зўр дўмбира дегани икки-ўч йил ерга кўмиб қўйилган тут ва ўрик дараклари тана-сидан ясалади. Ундай дўмбирани мириқиб чертиш мўмкин.

Қўлбола дўмбирасини булбўлдек сайратиб, иҳлосмандлари кўнглини кўтариб юрган сурхонлик Юсуф бахши моҳир уста ясаган дўмбирани қандай чертагани! Бўгўнги истеъдодини кўриб, ишонч билан айтш мўмкин: эртага бундан ҳам зўр чертиши аниқ.

У дўмбирасини авайлаб ғилофига жойлайди, авайлаб қўлига олади.

Ҳар ким ҳам созини бунчалик авайламайди, эъзозлаёлмайди.

Тўлқин ҲАИИТ.

ЮСУФ БАХШИ

ўзинг ҳам қўвоносан, яйрайсан, яшаётганиндан, ўтган кўнларингдан бир қоникўш ҳўсия қиласан, енгил торта-сан.

Болалик йилларидаги кўйи-даги воқеа сира эсидан чиқмайди.

Асия айтиб, тенгдошларини кўлдириб юрарди. Ҳатто қўлбола дўмбира ясаб олган, гоҳ-гоҳида қўшиқ Ҳиргойи

ди. Қайтага унга ёпишиб олишди. Уйнашди, кулишди, чарчоқларини ёзишди. Шу тарихида у тенгдошлари даврасининг гулига айланди.

Бўгўн унинг ўзига яраша иҳлосмандлари бор, дўмбирасининг жўр кўйларини, зарбли овозини севувчи, ардоқловчи талабгорлари бор. Бир йигит учун бу ҳам бахт, ҳам қўвоноч.

ФАРЗАНДИНИ ҲУРМАТ ҚИЛ, У ҲАМ...

Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васалламнинг сўзлари сизларнинг сўзларингиз каби пайдар-пай ва тез-тез бўлмас эди. Балки, соф-соф, ҳар бир жумлалари бир-биридан алоҳида ва равшан бўлур эрди, каттами ё кичикми, албатта сизлаб мурожаат этар эрдилар.

Эй фарзанд, саллоллоҳу алайҳи васалламнинг ҳар бир одатлари биз — мўминлар учун қонун бўлмоғи шартдир. Илло динимизнинг устуни, туриш-турмушимизнинг кўз-гўси ул муҳтарам зотдир. Улғайганинг сари, фарзандларинг балоғат ёшига етгани сайин сенинг одатларинг аларда муяссар бўлур. Яхисини ҳам, ёмони ҳам.

Абу Толиб ҳазратлари шундай ривоят келтирадилар:

— Отамнинг айтишларича, уч ёшимдан бобомга тақлид этиб, ул киши ила қўлимда гул қайчи билан боғга қираар эканман. Ул ишига тақлид этиб, ток новдаларини пала-партни кесар эканман. Шунда отам бобомни койиған бўлиб, «Гўдакка эрк берманг!» дер эканлар. Бобом босидик билан «Болодаги иштиёқини

асло сўндирманг, ўғлим. Майли бу йил ҳўсилининг баҳридан ўтайлик, лекин умр ҳўсилидин бебаҳра бўлиб қолмайлик».

Хулоса шулки, болани гўдаклигиданоқ меҳнатга, билим оллоқига қўнт қилишини эъзозла, уни камситиб иштиёқини асло сўндирма!

Эй ўғил, оилада шундай бир табақаланиш бордир. Агар фарзанднинг ўғил эрса, анинг келажоғи, бахти сенинг измингда, қиз бўлса, бу вазифини

АБУ ЛАЙС АС-САМАРҚАНДИЙ

БҮСТОН УЛ-ОРИФИН

аёлинга юкла, бу юмушга аралашма!

Абу Толиб ҳазратларининг қўшларига бир бой киши келиб, айтди: — Тақсир, ўғлим балоғат ёшига етди. Аммо, бир ҳўнарнинг бошидан тутмади. Сўзларини инобатга олмай қўйди. Топганларим, илло неварачевараларимга ҳам етур. Даромадни

топмоқдан, ани бибилиска ишлатмоқнинг мушкулоти қийиндир...

— Бамаъни гап айтдингиз. Тoleнгиз баланд эркан, меҳнатингиз баракаси тўфайли оилангиз бут эркан, хўрсандман. Илло, ўзингиз не иш билан машғул бўлурсиз?

— Юким иш юритувчиларнинг қўлида...

Абу Толиб жаноблари ўйланиб қолдилар.

— Демак, ўғлингиз сизни бирор иш

билан машғул бўлганингизни кўрмаган...

Келган кишидан жавоб бўлмабди. Бу сўхбатнинг ечимини сенинг ихтиёрингда, эй фарзанд.

Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам айтмишлар:

— Албатта, дунё ширин ва кўр-

кам — Аллоҳ таоло ўша дунёга эга қилиб қўйиб, қанақа амал қилишингизни кузатади. Мол-дунё ва хотинлар тўғрисида тақво қилинг, яъни молу дунё ва хотинлардан кўрқинг. Албатта, баний исроилининг аввалги фитнаси хотинлардан чиққан, огоҳ қизарганин, бўйин томирлари шишганини. Бирор одамда ғазаб пайдо бўлса, ерга ўтирсин. Кишиларнинг яхисини — ғазоби секин келиб, ризолиги тез келувчидир. Емон одамларнинг ғазоби тез келиб, ризолиги секин келувчидир. Агар ғазоби ҳам ризолиги ҳам аста-секин ёки акси бўлса, унинг яхши ёмонлиги ҳам шунга қараб бўлади. Фарзандларингизни ҳўрмат қилинг, улар ҳам илло ҳўрматларини меҳр ила қайтарурлар.

Нашрга тайёрловчи Музаффар МИРЗО БОШИ УТГАН СОНЛАРДА. ДАВОМИ БОР.

Амриколик Лоиф Фишер Руге — сиёсатшўнос, журналист. Янги китобига материал тўпламоқда. У «Литературная газета» муҳарририятида бўлиб, ўзининг ёшлиги ҳақида сўзлаб берди.

МЕН БОЙНИНГ ҚИЗИМАН

Мен жўда бой оилада улғайганман. Оиламизни бой қилган-отам. Унинг ёшлиги ниҳоятда оғир даврга — катта инқироз даврига тўғри келган. Коллежда ўқий учун официантлик қилган, шу билан бирга ҳақиқий футболчи ҳам бўлган. Тиришчилик билан интилган мақсадига эришди — адвокат бўлди. Кўп ишлади, кейин бойлик йиғишга ўтди.

→ ўзининг фабрикаси атрофидаги ерларни сотиб олиб, дароҳт эка бошлади. Отамнинг ҳисоб-китоби шундай эди: ернинг 1/7 қисми ишлаб чиқаришга, 6/7 қисми хивбонга. Ишчиларнинг ўйлари ҳам хивбонда эди. Уларнинг унумли ишлаши учун ҳамма

шароитни яратди. Бу билан ютқазмади, унга одамлар кела бошлади. Улар ўз иш жойларини эъзозлар, отам эса уларни қадрларди. Ишчилар қанчалик яхши ишласалар, отам ҳам фабрикани замонавийлаштириб, ўзи билан бирга меҳнатчиларнинг ҳам бойишига шўнчалик имкон яратар эди.

Биласизми, бир суткада у қанча ишларди? 15 соат! Унинг учун дам олиш кўни йўқ эди.

Мен 14 ёшимдан ишлаб бошлаганман. Йўқ, фақат пул учунгина эмас. Сизнинг мамлакатингизда биз ҳақимизда бадавлат оиланинг болалари ҳам ўзлари идиш-товоқ ювиб, пул ишлайдилар, деб гапиришди, тўғри. Лекин бу ерда гап ўртача бадавлат бойлар ҳақида кетяпти ва улар жўда тўғри қилишади. Бола катта ҳаётга ўрганиб бориши керак. Шўннинг учун ҳам 16 ёшгача пул топиш йўлларини ўрганиб олади. Масалан, кўшининг ўтини ўриб бериш, газета сотиш ёки 1 доллар учун бир соат қўшининг боласига қараб туриш каби. 16 ёшдан кейин ҳайдовчилик ҳўқуқини оладилар. Улар машина ҳайдаши, сотувчи, официант ёки идиш-товоқ ювувчи бўлиб ишлашлари мўмкин.

Бизнинг оилада вазият сал бошқачароқ эди. Отам менинг ва опаларимнинг тафаккуримиз ўзига хос шаклланишини хоҳларди. Қандай қилиб? У бизга

пул учунгина ишлашни маслаҳат бермасди. Ҳеч нарсага таъқиқламас, шу билан бирга ҳеч нарсага мажбурламасди ҳам. Бола гўдаклигиданоқ эркин фикр юритишга қўниқиб бориши шарт — умуман, бу амриқоча тарбияга хос.

Мана мен, 14 ёшимданок ногирон болаларга ёрдам беришга қарор қилганман. Уларга овқат берардим, жойларини йиғиштирардим. 15 ёшимдан эса ёш жиноятчилар интернатида ишлаб бошладим. Бу ерда ҳам пул учун эмас. Узимнинг кимлар учундир кераклигини ҳис қилардим. 16 ёшимда қариялар шифохонасида ишлашимга руҳсат беришди — у ерда кутубхонада ишлар, кексаларга китоб ўқиб берардим.

Нью-Йоркда аёллар коллежида ўқидим, сиёсатшўнос бўлдим, «Тинчлик учун форум» ташилототида ишладим, мақолалар ёздим.

Тўрт йил президент Жонсон аппаратида — унинг маърузаси учун материаллар тайёрладим. Кейинчалик муҳбирликка ўтиб кетдим.

Бу ишимнинг ажойиблиги шўндаки, отам менга болаликдан ўргатган барча одат бунда муҳассамдир: янги-янги тақриба ортириш ва одамларга ёрдам бериш.

АМРИҚО МАКТАБЛАРИДА УҚУВЧИЛАРГА ОЛАТ ХАЛ ТАЧАСИ

Биз оҳанрабога ўхшаб қолдик. Атрофимиздаги нимаки диққатимизни тортса, ҳаётимизга татиқ қила бошладик. Моддий ва маънавий инқироздан тезроқ чиқиш учун хоржиликларнинг тажрибасига суяниб иш тутиш авж олаётгани, оқибатда мамлакатда маънавий-ахлоқий импорт ҳам кун ба-кун кенгаймоқда. Бундай оқим одамларнинг ташқи дунё билан боғлиқ тафаккур доирасини маълум маънода кенгайтириш билан бирга, уларнинг ахлоқига ўзининг салбий таъсирини ўтказиб қолганини унутмаслик керак.

Яқин-яқинларгача Президентлик ёки шаҳар мэри каби тушунчаларни фақат капитализмга хос дердик. Бугун булар оддий сўзга айланиб қолди, ҳатто мамлакатни парламент бошқари-

бугун ҳамма нарсани Амриқодан ўрганганимиз керак, деган гаплар эгалламоқда.

Нью-Йоркда бир йилда 1524 бола СПИД касали билан туғилмоқда. Бундай ҳаф катталардан кўра болаларни кўпроқ ўз домига тортмоқда. Жаҳон бўйича қизларнинг ўсири чўғидаёқ ҳомилидор бўлиши Амриқода оддий ҳолга айланган. Бу ерда ҳар йили ярим миллиондан кўпроқ ўсири она бўлар экан.

Жумҳуриятимиз комсомол фаолларининг ташаббуси билан бир вақтлар «гузаллик конкурси» деган ўйин ташкил этилган. Бундай беъмани, ўзбек қизи ахлоқига тўғри келмайдиган, фақат ҳаёсийлик ва кўполроқ бўлса ҳам айтиш, юзсизлиқни тарғиб этувчи конкурснинг ўтказилишига қарши фикр билдирган ёзувчи Машраб Бобоевга

кўпайиб бормоқда, уларни тартибга солиш учун махсус тоқатхоналар очилмоқда, деган гаплар ҳам эшитилиб турибди. Бу офатнинг бошланиши эмасми! Нега уларни тартибга олиш керак? Нега уларга шариот яратиш лозим? Ахир бузуқлиқни, фоҳишабозлиқни бутунлай тугатиш шарт, деган тақлиф айтилиши шарт эмасми!

Мен «малика»ларни қораламоқчи эмасман. Бироқ ҳали дунёқараш тўлиқ шаклланиб улгурмаган ўсирилари билан бундай ҳаёсий нафсларга, ёлғончи суҳбатларга чорлаётган «зиёли»ларга эътирозим бор.

Ғарб билан Шарқ доимо ажралиб турганлиги аниқ, ўртадаги чегарани йўқотишга уриниш эса кўриниб турган ҳалокат-ку. Шундай экан, қалбига ёлғиз худони жойлаб, номуссизлиқни ўлим деб билган халққа нисбатан ҳар қандай ёт, эътиқодга мос келмайдиган одатларни тарғиб этиш, миллатни ҳақоратлаш ва камситишдан бошқа нарсасиз.

Бир халқнинг маданияти қанчалик тараққий этган бўлмасин, уни бошқа халқлар ўзига кўр-кўрона табиқ эти-

тиригиларда бир-бири сўйлиши билан банд.

Олмонияда ҳарбий хизматни ўтаб қайтган танишимнинг айтишича, у томонларда баъзан эр-хотин фарзандлари билан биргаликда ондан қандай туғилган бўлса, шундайлигича томонларда ишлар эканлар. «Дастлаб кўриб, очиги, кўрқиб кетганман, кейин кўниқиб ҳам қолар экансан», дейди у.

Энг ёмони ҳам кўниқиб кетишда. Инсонийликка зид ишларнинг оддий кундалик ҳаётимизга айланиб қолаётганида. Тошкент шаҳрида халқнинг урф-одатига, маданиятига хилоф равишда фаолият кўрсатаётган бундай «соғломлаштириш оромгоҳлари» қанчалаб топилади. Ажнабий халқларга тақлид қилишнинг фожией оқибатлари ҳақида қачон ўйлаймиз? Ачинарли томони шундаки, импорт қилинаётган бундай «маданият» ёшлар ҳаётига жуда тез сингиб кетмоқда. Кийинишда дейсизми, санъатда, кўйинги, ёшларнинг ҳар бир фаолиятида ғарбга тақлид очикдан-очик сезилиб туради. Шарқнинг ўзига хослиги ҳам айнан ҳаё ва ибодат билан белгиланган. Афсуски, кейинги пайтларда

олмайди. Чунки халтага яшириниб бўлмайди Амриқодаги маънавий инқирозни шундан билса ҳам бўладики, ўртача 3 минг ўқувчиси бўлган мактабда ҳар ишчи қирққа яқин қиз фарзанд кўраётган экан. Бу ҳолатда, ҳатто, фарзанд сўзини тилга олиш ҳам нақадар оғир. 40 рақами фақат туққанларга нисбатан, қолганларни кўз олдимизга келтириш эса даҳшат.

Ўзбекистонда ҳозир 24 та СПИД билан хасталанганлар ва касаллик юққанлар қайд этилди, улардан 6 нафари шу ерда яшайдиган аҳолидир.

(Тошкент оқшом) рўзномаси 28 ноябрь).

Мусулмонларга бошқа диндаги кишилардан ҳам илм-фанини ўрганишга рухсат берилган. Лекин уланин ҳаёт тарзига тақлид қилмаслик керак. Зеро, бу ўзини хор, ноҳор, қоқ деб билиб, ўзгани эса олий тараққийлашган, илгор деб билишдир. Бу қўллик қилишнинг энг ифлос суратидир. Шу билан бирга ўзининг тубанлиги ва итоаткорлигига бутунлай йўл очиб беришдир. Тақлид қилиш оқибатида халқ маданиятининг бутунлай инқирозга учрашига олиб боради. Шунинг учун ҳам пайгамбар алайҳиссалом, ажнабий халқларга кўр-кўрна эргашиб, уларнинг маданиятини қабул этишни қатъий ман қилган. Ҳар бир ақлли одамга яхши маълумки, ҳар бир халқ ўзининг кўриниши ва ҳаёт тарзига қараб эмас, балки илми, тузуми, ишчи кучига қараб барпо бўлади. Шундай экан, қайси халқ қувват, камол, тараққийга эришишга ўхшаса, ажнабий халқлардан ҳақ қувват, камол, тараққийга восита

ХАЛТАЧАГА

шига ҳам кўниқялмиз. Майли, булар ўз йўлига, бироқ мен айтмоқчи бўлган гап мамлакат сиёсатига ёки иқтисодий тараққийигагина эмас, бевосита ахлоққа тааллуқлидир.

Бундан 3—4 йил муқаддам пайдо бўлган «видео» касали туфайли юзага келган даҳшатли воқеалар ҳақида матбуотда кўпгина чиқишлар бўлган эди. Ҳатто ёши 40 га бормасан ўзбек йигити видео сабаб ўз пушти камаридан бўлган 4 нафар қизининг умрини ҳазон қилганлиги ҳам аччиқ изтироб ва наҳотлар билан айтилган эди. Лекин бундай аянчли ва шармандали ҳолга жавоб берадиган бирорта мард топилмади. Айтилган гаплар ҳам кумга синган сувдек исзис кетди. Энди ундан-да даҳшатлироқ тақдир бутун бир қавми ўз домига тортмоқда. Эътиборсизлик, лоқайдлик, ўткинчи дунё ҳаваслари берилиш шу тарзда давом этаверса, эрта-индин, минг афсуслар бўлсинки, бизнинг қавм ҳам энг даҳшатли вободан четда қолиши мумкин эмас. Бу — СПИД. Рақамларга мурожаат қилайлик: 10 йил мобайнида АҚШда СПИД касаллиги 120 минг кишини ўлимга маҳкум этди. Бу амриқоликларнинг Корея ва Вьетнам урушларидаги умумий қўрбонлардан ҳам кўпдир. Ҳозир Қўшма Штатларда СПИД дан кунига 100 киши ҳалок бўляпти.

Ҳозирча Амриқода эканку. Шунга шунча ваҳимани, деган хотиржамлик овузмаслиги керак бизни: чет эллар билан сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларимиз йилдан йилга тобора кенгаймоқда. Бунинг устига, Амриқонинг турмуш тарзи Шўро одамлари наздида идеал даражага чиқариб қўйилган. Тарихдан ўрганишимиз, отаболлар изидан боришимиз керак, деган гаплар ўрнини

нисбатан «Ўзбекистон маликаси»нинг айтган гаплари, ҳатто судга беришни талаб қилганлиги ҳам кўпчилиқнинг хотирасидан ҳали кўтарилгани йўқ. Қизиқарли ўйиннинг жамиятда адолатсизлиқни юзага келтириши «ташаббускор» комсомолларга аён бўлмаса-да, «оддий» халққа маълум эди. Талабалikka эндигина қабул қилинган «малика»нинг: «Етоқхонадан фақат ўзимга бир хона берадилар, чет элс конкурсга боршимиз учун шариот керак», — деган гапларини нима деб изоҳлаш мумкин. Ҳолбуки, унинг тенгдошлари 2,3 кишилик хоналарда 4-5 нафари биргаликда яшаётган эди. Шундай бўлса-да, уларнинг тили қисик, шикоят қилишга ҳақиқий йўқ, чунки улар гузал эмас, оддий қизлар эди ва менинг назаримда айнан шу оддийликлари билан гузал эдилар. Уқибатда, ақли, фаросати, тафаккурини дунёга ёйиш учун шариот яратишга имкон йўқ, лекин минг-минглаб одамлар тўп-ланган жойларда келишган қоматини кўз-кўз қилиш учун ҳамма нарсаси бўлиши шарт. Қани мантиқ? Қани адолат? Ҳаёлимдан, яхшиямки, ҳар бир ётоқда биттадан малика жойлашмаган экан, деган фикр кечгани, ўшанда.

Буларнинг СПИДга алоқаси борми? Албатта. Москва, Санкт-Петербург томонларда кеча малика бўлганлар бугун чет эллик миллионерларга катта пул эвазига сотилмоқда. Расмий исловатхоналар очилмоқда ғарб давлатларига сафарлар ташкил этилмоқда. Эркалар орасида ҳам бесоқолбозлик оддий ҳолга айланяпти. Фаоллар бундай «маданий янгиликлар»нинг яна ташаббускори бўлиб чиқсалар пойтахтимизда ҳам аянчли аҳволнинг юзага келмаслигига ким қарола бера олади? Ҳатто, Тошкентда ҳам фоҳишалар

ЯШИРИНИБ

ши алал-оқибат миллатнинг парчаланishiга олиб келиши табиийдир. Чунки ҳар бир халқнинг келиб чиқиши, урф-одатлари, иқлим шариоти ўзига хос аҳамиятга эга. Африқо мамлакатларининг бирида тўй кун келин-куёв ҳамманингу кузи олдида жинсий алоқа қилишлари шарт экан. Бундай ёввойи одат бизга эриш туюлгани билан, уларнинг ўзлари учун оддий ҳол ҳисобланиши мумкин.

Чехословакияда эркак ва аёлнинг биргаликда яланғоч чўмилишини кўриб келган ўртоғининг ҳайрат билан айтган гаплари бугунги кунда кўпчилиқни ажаблантирмай кўйди. Ҳатто ўзимда ҳам бунга кўникама ҳосил бўлаётганлигидан баъзан даҳшатга тушаман. Чунки, ишхонадан тушликка чиқаётиб, шундоқина биқинимизда — Анҳор ёқасида ётган бир тўда «морж»ларга ҳар кун кўзим тушади. Авратигача очик, ёши бир жойга борган эркак-ёлларнинг ғўж бўлиб ётиши кўз олдимга, тўғриси, ҳунук кўринади. Бир кун ҳаммасилардан бири: «Кўйинг, у ерда юрмайлик, ўшаларга кўзим тушса, томоғимдан ҳеч нарса ўтмайдиган бўлиб қолган», деб қолди. Ҳар қандай нафсонияти бор одамнинг ғашига тегиши мумкин бу ҳолат. Чунки элга, миллатга бепасандлик, ҳақорат бўлса, шу даражада бўлади-да. Афсуски, ўтиб қайтаётган юзлаб одамлар лоқайд, болалар томошабин, ёшлар эса дарахтлар орасига қўйилган

никоҳсиз туғилаётган болалар кўпайиб бормоқда. Бу ҳол исноддан кўра оддий ҳаёт мантиғига айланиб қолши хавфи йўқ эмас. Амриқода 15—16 ёшга етган қизларнинг фарзанд кўрмаслиги тенгдошлари орасида нуқсон ҳисобланаркан. Бундай жамият фан-техника жиҳатидан қанчалик тараққий этган бўлмасин, норасталарнинг кадр-қиммати, номуси топтала экан, бир кунмас-

БЎЛМАЙДИ

бир кун у таназзулга юз тутиши аниқдир. Мен башорат қилиш фикридан йироқман. Лекин кўча-кўйда ёшларнинг бир-бирига сўйкалишлари, меҳмонхоналарда бўлаётган «меҳмон овлаш»лар миллатни маънавий инқирозга олиб келиши мумкин. Шунинг учун биринчи ғалда маънавиятни асраб қолиш иқтисодни тиклашдан ҳам зарурдир. Миллий қадриятларга зид ишларни қилиш, юқумли касалликларни тарқатиш, миллатнинг урф-одат ва аъёнларини писанд қилмаслик каби авж олаётган иллатларга қарши ҳуқумат томонидан чоралар кўрилиши — махсус қонун қабул қилиниши керак. Йўқса, Амриқодаги сингари СПИДнинг олдини олиш учун мак-

бўладиган илмларини олиши керак. Лекин ўз халқини хор қиладиган, натижада ҳаёти ва ҳаётий программалари барбод бўлиб қоладиган даражада ажнабий халққа мойил бўлмасин. («Ислом асослари» 106-бет).

Мустақиллик эълон қилган халқ ҳар жиҳатдан мустақил бўлмоғи лозим. Хоржига сафар қилаётган ҳар бир сиёсатчи, санъаткор, ишбилармон миллат келажати учун зарур вазифаларини ўрганиши лозим. Шу билан бирга хоржиликлар ҳам ўзбекларга хос ҳаё ва ибодат, покиза ахлоқдан баҳраманд бўлиши орзу қилсинлар.

Юсуф ЗИЁД,
«Оила ва жамият»нинг
махсус муҳбири

ТАҲРИР ҲАЙАТИ:

Жуманазар БЕКНАЗАРОВ

Муҳаббат ИБОДОВА

Муассар МАНСУР

Тўлқин ҲАЙИТ

(масъул котиб).

«Семья и общество»
Издается на узбекском
языке

Буюртма 5971

Обуна индекси 64654

● Мухарриятга келган мақолалар машинкада ёзилган, икки оралиқда олти бетдан ошмаслиги лозим.

МУАССИС:

Ўзбекистон
Болалар жам-
фармаси.

2,3 млн нусхада чоп
этилди.

Манзилимиз:

700029, Тошкент — 29,
Намойишлар хиёбони,
1-бино.

Телефон: 39-43-95

Бош муҳаррир
Қўллан ОЧИЛ